

Сен агар тарки
тамаъ қилсанг,
улуғ ишдур буқим,
Олам аҳли барча
бўлғай бир тараф,
сен бир тараф.

Алишер НАВОИЙ

2020 йил
19 ноябрь
пайшанба
№ 139
(4423)

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У ТУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!



Бугун зимдан назар сол
Сен мана бу байроққа,
Майлига бир дақиқа
Унутгани турфа кекни.

Шу байроқ номимизни
Элтиди ёироқ-ёироққа,
Шу байроқ бирлаштирар
Қайда бўлса ўзбекни.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



Кун нафаси

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** бошчилигидаги делегация Вашингтон шаҳрида АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси, демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат бюроси раҳбари **Роберт Дестро** билан учрашди.

Ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** видеоконференция шаклида ташкил этилган «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» 16-вазирлар учрашувида иштирок этди.

Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари **Азимжон Назаров** ва Малайзия фан, технологиялар ва инновациялар вазири ўринбосари **Аҳмад Амзод бин Хошим** ўртасида видеоконференция шаклида музокаралар бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда «Ўзсўвтаминот» акциядорлик жамияти мутасаддилари ва Сингапур бизнес делегацияси вакиллари учрашуви бўлиб ўтди.

Президент Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Президентимиз раислигида суд ҳужжатлари ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган **видеоселектор йиғилишига бағишланган брифинг** ташкил қилинди.

Ҳасан Кабиржанов Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси директори лавозимига тайинланди.

Жиззах вилояти **Фориш туманидаги оҳак кони яқинида Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси барпо этилди.**

Навий шахрининг «**Ёшлик**» маҳалласида умумий қиймати 65 миллиард сўм, 105 та хона ва 230 та ўриндан иборат бўлган **замонавий тўрт юлдузли меҳмонхона фаолият бошлади.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Қашиқадарё вилояти

Косон туманида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли дастурга асосан қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ишчи гуруҳ фаолияти

Қалблардаги қувонч қуёши

Дастурга кўра, 23 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган аёлнинг уй-жойи таъмирлаб бериш белгиланган бўлиб, ҳозирга қадар 12 та хонадон бутунлай янгича кўринишда эгаларига топширилди.

– Она-бола яшаймиз, – дейди «Истиқбол» маҳалласида яшовчи Муҳтарам Каримова. – Ёлғиз бошим билан уйни таъмирлашга ҳам орттирмай тургандим. Йил бошида бир гуруҳ касаба уюшма ва маҳалла фаоллари кўриб кетишганди. Мана, уйимизга замонавий эшик-роллар ўрнатилиб, янгидан қурилгандай таъмирланди. Шундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётганлардан беҳад миннатдорим.

Касаба уюшмалари томонидан тумандаги «Нартичқур» маҳалласи хотин-қизлари учун янги кутубхона ташкил қилиб, 1000 дана энг сара китоб тақдим этилди, 18 нафар беморга дори-дармон учун 1,5 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача нақд пул маблағлари берилди. Бундан ташқари, икки нафар фуқарога ногиронлик арава-часи ва яна икки кишига эшитиш мосламаси ҳадая қилинди. Дастурга асосан «Ўзпахтасаноат» АЖда ташкил этилган янги иш ўринлари 100 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди.

Акmal АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Халқаро анжуман

Меҳнат муҳофазаси экспертлар нигоҳида

«Меҳнат муҳофазаси – иқтисодий кўтаришнинг асоси» мавзусидаги халқаро видеоконференца лоқа орқали соҳа мутахассисларининг учрашуви бўлиб ўтди.



Унда Халқаро меҳнат ташкилотидан Гоча Александрия, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясидан Антон Леппик, Анна Сальникова, Ольга Николае ҳамда Ўзбекистон, Россия, Украина, Беларус, Мольдова, Грузия ва бошқа давлатларнинг меҳнат муҳофазасига масъул касаба уюшмалари фаоллари иштирок этди.

Меҳнат жараёнида хавфни баҳолаш, «Covid-19» билан иш жойида касалланишни касб касаллиги деб эътироф этиш ҳолати Европа давлатларидан Хорватияда, МДХдан Украинада махсус текшириш натижасида аниқланаётгани ва унинг ҳуқуқий асослари таҳлил этилди.

Дунё бўйича касаба уюшмалари мавжуд ташкилотларда ҳо-

димларнинг жамоа шартномалари билан қамраб олиниши ва меҳнат ҳуқуқлари таъминлини юқори даражани кўрсатмоқда, деб алоҳида таъкидланди.

Халқаро видеоконференца лоқада «Пандемия даврида касаба уюшмалари фаолияти Европа тажрибасида» мавзусида Виктор Кемпа, «Пандемия ва ўтиш даврининг концепцияси» мавзусида Монсеррат Мир маъруза қилди.

Учрашувда барча давлат вакиллари пандемия даврида касаба уюшмалари амалга оширган ишлар тўғрисида сўзлаб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Ноҳира КАРИМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири



Қорақалпоғистон Республикаси

Тадбир

Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз табригида касаба уюшмаларининг ўтган йиллардаги фаолиятига юқори баҳо берилгани ҳамда истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган янги вазифалар белгилангани хусусида сўз юритилди.

Янги Ўзбекистон – Янги Касаба Уюшмалари

Қорақалпоғистонда шу шпор остида тарғибот тадбирлари кўтаринки руҳда ўтмоқда

– Янги Ўзбекистонни қуришида касаба уюшмаларининг ҳам хизмати катта бўлмоқда, – дейди бирлашма раиси ўринбосари М.Данияров. – Бугун касаба уюшмалари халқнинг ичига кириб, уларнинг дарди билан яшамоқда. Биргина мисол, Мўйноқдаги «Оқ кема» болалар соғломлаштириш марказини олиб қарайлик, ушбу

марказ нафақат ёзда, балки қиш ойларида ҳам халқ хизматида. Шу ерда санаторий ҳам қурилиши белгиланган. Бундан ташқари, Бўзатов туманида ҳам санаторий бунёд этилади. Бу жамиятда касаба уюшмаларининг ўрни ошиб бораётганидан далолатдир.

Есимжон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»



Деразамга урилади қор,
Жаранглайди жарангсиз қумуш.
Деразамга урилади қор,
Қор сингари оппоқ бўлди туш.

Рауф ПАРФИ,
Ўзбекистон халқ шоири

Энди эскича ишлаб бўлмайди

Қурултойда зиммага юкланган масъулият, белгиланган вазифалар залвори фаолиятга яна бир қўр назар ташлашга ундайди. Самарқанд вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасининг онлайн тарзда ўтган биринчи раёсат йиғилишида устуворлик касб этаётган масалаларга таҳлилий-танқидий баҳо берилди.

– Президентимизнинг касабга уюшмаларига йўллаган табриги улкан тарихий воқелиқдир, – деди вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Юксак эътироф ва билдирилган ишонч ҳар биримизга фаолиятимизни яна бир назардан ўтказишга, кечадиган самаралироқ, унумлироқ ишлашга, ҳаётий муаммоларга теранроқ назар ташлашга ундайди.

Раёсат йиғилишида «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» давлат дастурининг 9 ойлик ижроси муҳокама этилди. Таъкидлаш ўринлики, ушбу йўналишда салмоқли

ишлар амалга оширилди. Ўтган даврда 1204 нафар ишламайдиган пенсионер ва ишлаб чиқариш жабҳаларининг собиқ ходимлари, пенсия ёшига етган ишловчиларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Дастурнинг ўндан ортиқ банди асосида ижтимоий ёрдамга эҳтиёж сезаётган кишилар, оилалар, хотин-қизлар ва ёшлар муҳофазатига олинди.

Ўтган фурсат оралиғида 1050 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари касабга уюшмалари сиҳатдоҳларидан соғломлаштирилди. Шунингдек, кам таъминланган, кўп фарзандли, чекка ҳудудларда яшовчи 14 нафар хотин-қиз, 16 нафар

кекса ёшдаги нуруний касабга уюшмалари кўмағида бепул дам олдирилди.

Меҳнат муносабатлари барқарорлигини таъминлаш, ходимларга муносиб иш шариоити яратиш юзасидан жамоатчилик назорати олиб борилаётганлиги таъкидланиб, нефть-газ ва геология, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, агросаноат мажмуаси корхоналарида меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш аҳволига баҳо берилди. Ходим меҳнатига муносиб шариоит яратган бир қатор корхоналар қаторида бу масалага панжа орасидан қараб келаётганлар ҳанузгача учрамоқда.

Оддий бир мисол. Агросаноат касабга уюшмаси мажмуи тизимидаги Жомбой давлат ўрмон хўжалиғида 59 нафар ходим бор. Хўжалиқда меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси мутахассиси бўла туриб ҳам белгиланган меъёрларга риоя қилинмаётди. Шу соҳага жа-

вобгар этиб белгиланган ва маош тўланаётган ходимда на бир иш режа бор, на бирор юмуш бажарилган. Муҳандис хонасида ҳам, участка объектларда ҳам меҳнатни муҳофазаси қилишни тарғиб қилувчи кўргазмалар восита, стенд, плакатни учратиш қийин. Бу ерда янги ходим тиббий кўриқдан, хавфсизлик техникаси йўриғидан ўтказилмасдан ишга қабул қилиб келинмоқда. Бирор киши техника хавфсизлиги бўйича қачон ўқув ўтказилганини эслай олмайди ҳам.

Фаолиятга ҳолис баҳо бермасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Раёсат кун тартибидан ўрин олган масалалар таҳлилий-танқидий руҳда кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.



Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Раёсат



Тадбир

Муҳим йўналишлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган сана муносабати билан Давлат божхона қўмитаси касабга уюшма қўмитаси ташаббуси билан божхона институтида спортнинг стол тенниси, югуриш ва турникда тортилиш турлари бўйича мусобақа ташкил этилди.

Божхона органлари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тайёргарликни янада ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир қизиқарли ва қизғин ўтди.

Тадбир аввалида сўз олган ДБК раиси маслаҳатчиси, касабга уюшма қўмитаси раиси Ҳабибулла Азизов юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланганини таъкидлади.

– Бундай тадбирларни мунтазам уюштириш мақсадида божхона раҳбарияти билан ўзаро келишиб олдик, – деди Тошкент шаҳар касабга уюшма

ташкilotлари бирлашмаси масъул ходими Равшан Маҳмадалиев.

Мусобақа ғолиблари Давлат божхона қўмитаси ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир давомида мусобақа қатнашчилари ва Божхона институти шахсий таркибига давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси VIII қурултойи иштирокчиларига йўллаган табриги ва унда билдирилган устувор вазифалар моҳияти ҳақида батафсил тушунтириш берилди.



Алижон АБДУРАХМОНОВ,
«ISHONCH»

Фаолият

Давра сўхбати

Қашқадарь вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасида Касабга уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойида кўтарилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда унда қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Жиддий ва жўяли таклифлар

Уни бирлашма кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев очиб берди. Тадбирда Федерация раиси ўринбосари, Қурултой делегати Қобилжон Қирғизалиев ушбу Қурултой зарҳал ҳарфлар билан битиладиган қатор воқелиқларга бой тарзда ўтгани билан тарихга кирганини таъкидлади. Боиси, унда илк бор давлат раҳбари делегатларга табрик йўлланди.

Давра сўхбати чоғида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Вазирлар Маҳкамаси, Касабга уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида Бош келишув имзолангани ва кучга кирганига эътибор қаратилди. 2016-2020 йилларда Федерация томонидан 2000 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига таклифлар берилгани, касабга уюшмаларининг бевосита иштирокида илк бор иш ҳақи учун минтақавий ва тармоқ коэффицентлари, шунингдек, иқлим ва яшаш шариоитлари оғир ҳамда ноқулай бўлган ҳудудларда ишлаш учун ходимларга қўшимча таътилни минимал давомийлиги тасдиқланганига алоҳида ургу берилди.

Таъкидлаш ўринлики, 2016-2020 йиллар давомида амалдаги тармоқ келишувлари сони 95 тадан 107 гагача ошди. Яъни, ижтимоий шерикликни амалда қўллаш бўйича сезиларли силжиш бўлди.

Тариф келишувларида тармоқ бўйича энг кам ва ўртача иш ҳақи, устамалар, компенсация тарзидаги ва рағбатлантирувчи тўловларнинг турлари ва уларнинг энг кам миқдори, тармоқ тариф сеткалари, йиллик асосий ва қўшимча таътилни энг кам мuddати каби кўрсаткичлар белгиланди. Бундан ташқари, касабга уюшмалари сайъ-ҳаракатлари билан юқоридаги келишувларда соғлиқни муҳофазаси қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини ташкил этиш масалалари ҳам ўз ифодасини топди.

Давра сўхбатида 11 ноябрь санасини «Касабга уюшмалари кун» деб эълон қилиш мақсадида мувофиқлиги ҳақидаги Президент таклифи, шунингдек, мамлакатда касабга уюшма мутахассислари тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Академия ташкил этиш юзасидан билдирилган эзгу ташаббусга алоҳида ургу берилди.

Давра сўхбати асноси қатор таклифлар ўртага ташланди. Масалан, ўқитувчиларнинг бир вақтда (асосан ёз фаслида) меҳнат таътилига чиқишини инobatга олган ҳолда санаторий йўлланмалари сонини ошириш ҳамда имкони бўлса, таълим ходимлари учун алоҳида дам олиш маскани ташкил этиш, янги ташкил этиладиган «Касабга уюшмалари академияси»га биринчи навбатда ўрта махсус маълумотига эга етакчиларни ўқитиш, иш берувчилар билан келишган ҳолда корхона ва ташкilotларда маънавий-маданий, маърифий ва спорт тадбирлари ўтказишни кўпайтириш, ҳозирги кунда қўшма корхоналар ва кластер корхоналари сони ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, касабга уюшма картасини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги жиддий ва жўяли таклифлар берилди.



Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Жамоа шартномаси керак эмасми?

Бугун касабга уюшмаларининг мавқеи кўтарилиб, аъзолик афзалликларидан фойдаланаётганлар сони йил сайин кўпаймоқда.

Шу десангиз, Россияда ўқиб, фан доктори илмий даражасига эга бўлган ҳолда юртга қайтдим. Эътибор берсам, раҳбар бўлиб ишлаётган масканида жамоа шартномаси йўқ экан. Кейин ҳуқуқшунослар билан гаплашдим. Улар менга «Жамоа шартномаси қилманг, шундай қилсангиз ҳеч ким сиздан ҳеч нарса талаб қила олмайди», дея маслаҳат беришди.

Аммо шунда мен ўзимни оддий ходим сифатида тасаввур қилиб кўрдим. Жамоа шартномаси билан ходимларни ишга олиш, ишдан бўшатиш, иш берувчи ва ходим ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тартибга солингани ҳар томонлама фойдали, деган хулосага келдим. Адабиётлардан жамоа шартномаси ҳақида



маълумотлар олиб, ҳақлигимга ишонч ҳосил қилдим. Яна ишонч ҳосил қилдимки, меҳнат-кашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимояловчи, ижтимоий томондан қўллаб-қувватловчи – бу касабга уюшмаси экан. Кейин касабга уюшма қўмитаси раисига жамоа шартномасини тузиш лозимлиги ва унда белгиланган имтиёزلардан ходимларнинг

фойдаланишида қўл келишини тушунтирдим...

Жамоа шартномасисиз ишлаш, балки раҳбар учун қулайдир, аммо ходимларнинг манфаатини ўйлаган инсон ушбу ҳужжатни албатта тузиш шарт. Зеро, ходимларни бир маромда ушлаб туриш, уларни тақдирлаш, касбига бўлган қизиқишини оширишда касабга

уюшмаси ва унинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланадиган жамоа шартномасининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Акмал АБДУҲАКИМОВ,
Республика иктисослашган онкология-радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Фикр

Юксак эътироф – юксак масъулият



Сардоба туманидаги 12-умумтаълим мактабда Ўзбекистон касабга уюшмаларининг VIII қурултойида кўтарилган масалаларга бағишланган тарғибот тадбири ўтказилди.

Мазкур жамоа асосини хотин-қизлар, ёшлар ташкили қилади. Бу ерда иш берувчи ҳамда бошланғич кўмита ҳамкорлиғида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳофазаси, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида намунали тизим яратган.

– Мана энди касабга уюшмаси ходимлари ҳам ўз касб кунларини нишонлайдиган бўлишмоқда, – дейди Назира Қиличева. – Бундай эътирофга кўп йиллик меҳнат, хайрли ишлар, инсонларнинг ишончи сабабли эришилди. Мулоқотда Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифалар, хусусан, барчани қулай ва хавфсиз меҳнат шариоитлари, адолатли ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш, ишловчилар манфаатдорлигини оширишни ташкил этиш янги босқичга кўтарилиши таъкидланди.

Тадбирда қурултой делегати, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Сардоба туман кенгаши раиси Ҳабибулла Ўрозбоев ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

Гулистон шаҳар кўптармоқли марказий поликлиникасида ўтказилган тарғибот тадбирида касабга уюшмаси фаоллари, Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси касабга уюшмаси раиси, VIII қурултой делегати Назира Қиличева иштирок этиди.

Мазкур жамоа асосини хотин-қизлар, ёшлар ташкили қилади. Бу ерда иш берувчи ҳамда бошланғич кўмита ҳамкорлиғида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳофазаси, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида намунали тизим яратган.

– Мана энди касабга уюшмаси ходимлари ҳам ўз касб кунларини нишонлайдиган бўлишмоқда, – дейди Назира Қиличева. – Бундай эътирофга кўп йиллик меҳнат, хайрли ишлар, инсонларнинг ишончи сабабли эришилди. Мулоқотда Мурожаатномадан келиб чиқадиган вазифалар, хусусан, барчани қулай ва хавфсиз меҳнат шариоитлари, адолатли ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш, ишловчилар манфаатдорлигини оширишни ташкил этиш янги босқичга кўтарилиши таъкидланди.



Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳалар қатори маданият ва санъатни янада ривожлантиришга, айниқса, моддий ҳамда номоддий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, музейлар фаолиятини такомиллаштириш орқали ҳудудларда туризм салоҳиятини янада ривожлантириш борасида кенг қўлланма тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунини Хивадаги «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонасида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш баробарида келгусидаги вазифалар бўйича ҳам бир қатор топшириқ ва тавсиялар берган эди.

Юқоридаги топшириқлардан бири – «Ичан-Қалъа» музей-қўриқхонасида Хива хонлиги тарихий шахсларининг мумдан ясалган ҳайкаллари асосида экспозиция яратиш ўз мuddатида амалга оширилди.

Тарихий-меъморий ёдгорлик Кўҳна Арк саройидаги хон Арзхонаси биносидан жойлашган экспозицияда хонлик давридаги ҳужмдорлар: Сайид Муҳаммад Раҳимхон II

Жонланаётган тарих



(1864-1910й), Сайид Асфандиёрхон (1910-1918й), вазир ақбар Сайид Исломуҳжа (1872-1913й) ва охири Хива хони Сайид Абдуллохон (1918-1920й)нинг мумдан ясалган ҳайкаллари ҳар бир киши кўз олдида ўтмиш манзараси гавдаланади ҳамда теран тарихий тасаввур пайдо қилади.

Экспозицияни ташкил этиш жаъраёнларида олимлар ва мутахассислар билан бир қаторда Маданият вазирлиги Музейлар ва кутубхоналар бошқармаси бошлиғи Шахло Абдуллаевнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Шунингдек, таъмирлаш ишлари якунланаётган меъморий ёдгорлик – Муҳаммад Амин Иноқ мадрасасида Хоразм Маъмур академияси тарихини акс эттирувчи «Дорул-ҳикма» замона-

вий янги технологиялар асосида яратилган экспозиция ташкил этилади. Турли тарихий экспонатлар билан бирга бу ерда ҳам бутун жаҳон илм-фани тамаддунига улкан ҳисса қўшган Ал-Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк алломаларнинг мумдан ясалган ҳайкаллари асосидаги тарихий воқелик замонавий 3D меппинг, 3D голографиялар орқали акс эттирилади.

Шубҳа йўқки, экспозиция ва кўргазмалар тарихимизни чуқурроқ ўрганишга, музейлар таъсирчанлиги, жозибадорлигини оширишга ҳамда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони ошишида катта аҳамият касб этади.

Шоназар МАТЯҚУБОВ,
Хива шаҳридаги «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси директори

ҲАМ саёҳат, зиёрат

Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Қизилтепа тумани кенгаши ташаббуси билан Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 25 нафар касабга уюшма аъзосининг Самарқанд шаҳрига зиёрати ташкил этилди.

Имом Ал-Бухорий зиёрати ҳамда Регистон майдони саёҳат-

чиларда катта таассурот қолдирди. Санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда уюштирилган саёҳат барчага маънавий куч бағишлади.

Ўлмасой ЭШОНҚУЛОВА,
Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич касабга уюшма қўмитаси раиси

Ички туризм



Бухоро вилояти | Муносабат

Ҳам ишонч орти, ҳам масъулият

Қарийб ўн тўрт йилдан бери касаба уюшмаларида меҳнат қиламан. Ўтган вақт давомида фаолиятимизда, халқимиз қалбига йўл топишда, табиийки, қийинчиликлар бўлди. Президентимиз соҳа вакилларига табрик йўллаб, кўрсатган эътибор ва эҳтироми боис барча машаққатлар унут бўлди.

Хали ҳам диёри-миздаги энг йирик жамоат ташкилотининг энг муҳим анжумани таассуротлари оғушида юрибман. Унда Президентимизнинг касаба уюшма ходимлари кунини белгилаш, Касаба уюшмалари академиясини ташкил этиш ҳақидаги тақлифларидан шодлигим чандон ошди. Негаки, машаққатли касб эгалари кунини белгилашни қаторида, кўп қиррали жабҳамиз учун замонавий билим ва малакага эга бўлган, ижтимоий муносабатлар назарияси ҳамда амалиётини, шу борадаги халқроқ тажрибани пухта биладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳаётий зарурат, жамият эҳтиёжи саналади. Бўлғуси академия айна шу йўналишдаги вакифлар таъбиқиқа хизмат қилиши шубҳасиз.



Фаолият кўлами, касбий маҳорат ва билимимизни ошириш мақсадида кўрсатилган бундай рағбат ҳамда эътибор аслида бутун халқимизга нисбатан рағбат ва эътибор эканини юрак-юракдан ҳис қилдим. Зеро, тобора халқ ташкилоти ўлароқ жипслашиб, қудратли кучга айланаётган касаба уюшмалари тақдири бевосита халқимиз тақдири билан боғлиқлиги айна ҳақиқат.

Касаба уюшмасининг 374 нафар аъзоси фаолият кўрсатаётган ташкилотимизда ушбу тарихий воқеа – қурултой жараёни қизгин муҳокама қилиняпти. Ходимлар Президентимизнинг «Сизларнинг тинчлик ва ҳалоллик билан шундай жонкуяр ва фидойи инсонларни кўрамиз, меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли таъминлашда сизларни давлат идораларининг яқин ҳамкори ва кўмакчиси, деб биламиз» деган сўзлари салоҳиятимизга бўлган ишонччи мустақамлади, зиммамиздаги масъулиятни янада чуқурроқ англадик, дея фахр билан айтишмоқда.

Лола СУЛАЙМОНОВА,
Бухоро вилояти мудоффа ишлари бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Жиззах вилояти

Янги давр остонасида

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойини катта қизиқиш билан кузатдик.



Куралтойда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентнинг қурултой иштирокчиларига йўллаган табриги ҳар бир касаба уюшма аъзосини қувонтирди. Юртимизда ҳар йили 11 ноябрь санасини Касаба уюшмалари кунини деб белгилаш, Касаба уюшмалари академиясини ташкил этиш тақлифлари тарихий воқеа бўлди.

Қурултойда ҳисобот даврида эришилган ютуқлар айтилди, мавжуд муаммолар чуқур таҳлил қилинди, истиқболдаги устувор режалар белгилаб олинди, халқ билан мулоқотни янада жонлантириш, аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида «Онлайн йўлланма» дастурини жорий этиш, халқроқ ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Қурултой делегатларининг мамлакат халқи, ишчи-меҳнатқашлар, касаба уюшмалари ташкилотлари ва ижтимоий шерикларга Мурожаати касаба уюшмалари ҳаётда янгилаш учун муҳим бир қадам бўлди десак, муболаға бўлмайди. Мурожаатномани чуқур ўрганиш, англаб етиш ва амалда татбиқ қилиш келгуси фаолиятимизнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, касаба уюшмаларида кенг қўламли ўзгаришлар, янги-янги имкониятлар барчамизга куч-қувват ва илҳом бағишлайди.

Биз ҳам Мурожаатда қайд этилган вакифлардан келиб чиққан ҳолда ўз олдимизга бир қатор вакифларни белгилаб олдик. Жамоамиз билан бир тан-у бир жон бўлиб, ушбу ислохотларни изчил давом эттириш бор куч ва билимимизни сафарбар қиламиз.

Нодира ХЎЖАМҚУЛОВА,
«Зомин тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси



Ўзбекчиликда кўпинча истиҳола қиламиз. Кўндалик ҳаётда дуч келадиган «олди-берди»ларга андиша қилиб, қайтанга ишимизни тезроқ битириш учун чойчақа ташлаб кетамиз. Айримлар эса...

Ходим тўлов қоғозидан кўрсатилган суммани тўлаб келганингизга қарамасдан, «Бизда кўшимча хизмат ҳақи бор» ёки «Матълумотнома тўлдириганимиз учун ташлаб кетасиз» деб турса, «Қани, қарига эзиб қўйилган, матълумотнома эзиш пулли деб?» дея сўролмайсиз, андиша қиласиз. Кейинги сафар ишингиз тушишини ўйлаб, индамай айтилган суммани бериб кетасиз. Уша «кишибармонлар»нинг нафси эса кун сайин ҳақалаб отиб бораверади.


Ҳамкасбим қизининг синф раҳбарининг тўғилган кунига ҳар йили алоҳида совға олиб, қизидан бериб юборар экан. Бу йил эртадан мактабга кетаётган фарзандининг «Бугун устозимнинг тўғилган куни, совға олиб бормайманми?» деган мўлтираши боис, истар-истамас, бисотидаги сочиқлар жамланмасини олиб чиқибди. Қиз хурсанд бўлиб мактабга кетибди. Лекин қарангки, устозга совға олиб борган факатгина шу қизча – Нозима экан. У дарсада устозига ўз совғасини топширибди. Аммо бошқа совғалар берилмаганини кўрган муаллима «Қани, болалар қолганларингиз тўғилган кунини унутиб қўйдимларми?» дебди. Бо-

Таямға ўрганиб қолган устознинг кўнгли «қилиғи»ни кўмсади. Бу эса нозик бир боланинггина эмас, бошқаларнинг ҳам қалбини жароҳатлади. Уларнинг хотира-сига хира ва ёқимсиз таассуротлар муҳрланди. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги самимий ришталардан бири узилди...

Яна бир воқеага яқинда шахсан ўзим гувоҳ бўлдим. Нотариусда олди-сотида шартномасини имзолашимизга тўри келди. Тўлов тизими ахборотлаштирилган усулга ўти-либди. Белгиланган маблағни тўлаб

бўлганингиздан сўнг телефонингизга тўлов қилганингиз, агар ушбу тўловлардан ташқари ҳам пул талаб қилинса, бундай ҳолатда Адлия вазирлигининг 1008 рақами «Ишонч телефонингизга кўнгирак қилишингиз мумкинлиги ҳақида SMS хабари келади. Мен ҳам тўлов қилганимдан сўнг худди шундай SMS хабарини олдим. Демак бу хабардан тушуниш мумкин, нотариал идоралар хизмат кўрсатгани учун барча тўловларни расмий ҳолда шу йўл билан ундиради. Бошқа йўли таққиланган. Аммо Адлия вазирлиги матбуот хизматининг айтишича, ахборотлаштирилган хизмат кўрсатиш тизимига 2018 йилда ўтилган бўлса-да, ҳалигача айрим нотариал идораларда ортиқча маблағ талаб қилиш ҳолатлари учраб туради экан.

Уша кунини нотариал идорада бир аёл мени четроққа қақриб, «Иш юритилгани учун тўлов қоғозидан эзилганидан ташқари, сизга ҳам 100 минг сўм шу ерда яна нақд тўлайсиз дейишди!» деб сўраб қолди. Мен бундай бўлмаганини, берилган тўлов қоғозидан пуллардан ташқари ҳеч қандай пул тўлан-



маслигини айтдим ва SMS хабарни кўрсатдим. Шундан сўнг опанинг нози ёришди.

Опа билан суҳбатлашиб солиди олиғи рўхсат берилган, қариндошининг номида бўлган уйини олди-сотида шартномаси орқали ўз номига ўтказилган экан. Нотариус ёрдамчисини пайт пойлаб опа ва унинг қариндош жиянига атрофида бошқалар бўлмаган пайтда «Яна юз минг нақд тўлайсизлар» дебди. Хуллас, бизнинг тушунтиришимиз-

дан сўнг нотариус ёрдамчисининг «операцияси» амалга ошмай қолди. Опа SMS хабари юборилиши тизими йўлга қўйилганидан миннатдор бўлиб, ишини битириб кетди.

Нотариус ёрдамчисининг исми-фамилиясини ҳам билмайман, у билан атиги бир-икки соатгина юзма-юз келдим. Воқеага ҳам икки ойдан ошди. Аммо ёрдамга муҳтож ёлғиз аёлдан ўз манфаати йўлида пул ундиришга бўлган айёруна қиёфа халигача кўз олдимда.

Қайд этилган ўқитувчи ва нотариус хизматчиси гарчи икки касб эгаси бўлса-да, улар сиз ва бизнинг йиллар давомидаги андиша қилиб сўраганини бераверганимиз, совға-салом беришга ўргатиб қўяганимиз оқибатида шу куйга тушишган. Энди эса уларнинг ўрганган кўнглилари жамиятда амалга оширилган йилигини ва ўзгаришлардан ўртаниб, бироз «исён» қилмоқда. Келгусида ишларимизни белгиланган меъёрлар асосида бажарсак ва бошқалардан ҳам шунга риоя қилишни талаб қилсак, нуқсоннинг даромадга ўрганганлар аста-секин йўқолиб кетади. Бу жараёнда жамоатчилик назорати кучайтирилса, жуда катта самара беради.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



Мушоҳада

ИЧГА ЮТИЛГАН ДАРД

ёхуд боғчада хитой тили ўргатиладими?

Ахборот сайтларида «мактабга таълим даргоҳларида хитой тилини қўшимча тил сифатида ўрганиш» ҳақидаги маълумотлар берилди. Бир қараганда бундан долзарб муаммолар бор, эътибор қаратиш шарт эмас, деган хулосага келасиз.

Гани айтилавериб, оҳори кетгандай туюладиган, лекин ҳеч қачон эскирмайдиган далил билан бошламоқчиман. Таққикотларга кўра, инсон умри давомида қабул қилиши мумкин бўлган билим ва маълумотларнинг 70 фоизини 7 ёшгача ўзлаштириб улгу-рар экан. Шу билан бирга, мутахассислар умрни ёш даврларига тасниқлаб, гўдаклик, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, қариликка ўтиш босқичларини ўзига хос инқироз даврлари деб ҳисоблайди.

Индивидуал парваришдаги бола боғчага қадам қўяр экан, янги муҳитга мослашганда психологлар назарда тулган инқироз даврларидан бири яшай бошлайди. Ҳали оламага бегона нарсаларнинг номи, хусусияти, белгиси, туйғулари исми, сўзларнинг синонимини, касб турларини «қашф» қилаётган болага катталар ҳам ўзлаштириши қийин бўлган иероглифларни қўшимча тил сифатида ўргатиш мумкинми? Хитой тилини ёшдан мукамал ўрганиш болага не чогли аҳамияти? Олийгоҳнинг хитой тили йўналиши барча абитуриентларни қабул қилиш имкониятига эга бўлмаганидек, Хитойга қариб таълим олиш ҳам бўлажак қадригиз келажак орзусидаги аҳамиятли ҳодиса эмас. Касби, умуман олганда, ижтимоий фаолияти билишни талаб этмаган тилини ўрганишдан ўрганувчига, жамиятга нима наф?

Ўзбек тили байрамига бағишланган тадбир, маъруза, мақола ва таҳлилларда ўз она тилимизни аксариятимиз 15-20 фоиз атрофида бил-лишимиз тил, миллат жонкуярлари ташвишга солаётган оғриқли масалалардан бири экани бот-бот

айтилди. Аждодимиз туркий тил асосчиси деб фахрланамиз. Минбарлардаги нутқларда «Навоий тили» ибораси жўшиб тақрорлан-диган бўлди. Адабиётшунослар назарида маънодан фарқли равишда ёшлар бу иборани сўхбатдоши соф адабий ёки бадиий нутқдаги ўзига тушунарисиз бирор сўздан фойда-ланганда «Навоий тилида гапирма-яни «тушунмадим», «тушунари тилда гапир» эътирозини ифода-лашда ишлатади.

Ҳазрати Алишер Навоий асарларини лугатсиз мутлола қилади-ган замондошларимиз саноқли. Ҳозир боғча ёшдаги болага қўшимча тилларни ўргатишга вақт сарфланса, йигирма йилдан кейин Қодирий асарларини ўқийтган ки-нинг тобхоннинг лугатга юзланиши ҳеч кимни таажублантирмаслиги турган гап. Ўзга тиллардан ёлан-ган сўзларнинг ўзбекча маъно-сини қидиргандан кўра, ўзбек ти-лида унутилиб кетаётган, маълум ху-дуддаги фойдаланувчиларигагина хизмат қилаётган, муомалага ки-ришга муштоқ маънавий бойлик-ларнинг уюви ва савобига даҳл-дорлик ҳар бир ўзбекнинг келажак олдидаги муҳим бурчи эканини эр-тароқ англаб олиш лозим. Мактаб ва олийгоҳларда қўшимча тил си-фатида ўтиладиган инглиз ёки рус тилларидаги саводхонлик ҳам бу рўйхатга янги сини қўшишни тақозо этаётган даражада эмас.

Боғча ёшдаги болага «қў-шимча тил» ўргатиш – қобилият-дан ортиқча юк. Имконият ҳи-собга олинмай қўйилган талаб ва вакифалар болани шжоат-нинг сўниши, ҳафсаланинг пир бўлиши, «иштасизлик» кайфия-тига олиб келишини психологлар

ўтган асрдаёқ огоҳлантиришган. Бола 7 ёшгача келажакда ўзи тартиб этадиган тафаккур биноси-нинг 70 фоиз пойдеворини яра-тиши мумкин экан, унга Навоий, Бухорий, Қодирийни танитиш муҳимроқ. Эртақ қарамонлари-дан жўмардик, олжанозлик, фи-доийликка андоза олиши долзарб-роқ. Ватан, тупроқ, ота-она ҳақи-даги туйғулари чиниқтиришга, аждодларга муносиб ворислик учун кўнглида иймон, эътиқод, ў-злик сифатларини илдиз оттиришга қаратилган машғулотларга эъти-бор қаратиш асосий мақсад бў-лиши керак.

Боланинг имконияти (иқти-дорли) ва қизиқишини инобатга олиб, касбга йўналтириш – кузат-ув ва тажрибаларнинг талабидан ке-либ чиққан энг оқилона ёндашув. Жамият келажак учун энг муҳими – ўз халқи менталитети, урф-одати, анъана ва қадриятларига хос руҳда камол толган, ўзлигини таниган бу-тун шахс. Касб ва хунарнинг ўзи талабгорлик кейинчалик бурч-у ва-зифаларини белгилаб бераверади.

Россия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея каби бир қатор мамлакат-ларнинг давлат тилини ёшлари-миз меҳнат мигранти бўлиб бориш учун қиска муддатларда ўрганиши. Англинганидек, қўшимча тилларни кейинчалик ўрганиш бемалол мум-кин ва бунда самара юқори.

Хуллас, орамизда ёшлар-нинг «пул топши» илинжидаги бу ҳаракатидан дили оғрийдиган ва бу дардди ичига уятаётган миллатдошларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни айна пайтда бир савол қўймақда: боғчада хитой тилини ўргатишдан мудоао нима?

Нарғиза ОДИНАБЕВА

Акс садо

ТИЛ УЧИДА ТУРГАН МУАММО

«Маърифат учун инвестиция» мақоласини ўқиб...

Мен ўзимнинг олтиш йилдан зиёдрок қаламқашлик ҳаётимни телерадио, газета-журналлар, интернет саҳифаларисиз тасаввур этолмайман. Айнисқа, газета-журналларнинг янги сонларидан ўфуриб турган бўёқ ва қоғоз ҳиди димоғни очиб, кайфиятни кўтарди. Бу ҳисни ҳақиқий ўқувчиларига англаш олади.

Мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари қаторида «Ishonch» газетасини ҳам кузатиб бораман. Сўнгги пайтларда газета таҳририяти ижодий ходимлари, муҳбирлари фаолиятида сезиларли ўзгариш юз берди – одамлар дили ва тилининг учига турган гаплар, оғриқли муаммоларни дадил айтиш яққол кўрина бошлади.

Яқинда туманимиздаги «Матбуот тарқатувчи» бўлими бошлиғи Акмалхон Наси-мин «Ishonch» газетасини ўқиб чиқишини тавсия қилди. Уни қўлга олиб, дастлаб 2-саҳифадан ўрин эгаллаган «Маърифат учун инвестиция» мақоласини син-чиклаб ўқиб чиқдим. Унда кўтарилган масала қарийб чорак асрдан ортиқ даврда обуначиларни ўйлантириб келмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу ўта долзарб муаммонини юр-тимизнинг чекка туманидаги касаба уюшма кенгагининг етакчиси Ботир Исмолов газета минбаридан айтган. Буни чинакам демокра-тия, адолат ва шаффоқлик наму-наси дейиш мумкин. Мақола му-аллифининг маълум қилишича, адади камайиб, банкротга юз ту-таётган Қашқадарь вилоятидаги бир нашрга нисбатан «Жар ёқаси-даги газета» деган таъриф ишла-тибди.


Бу ниҳоятда ачинарли ва кулгили ҳолат. Нега дейсизми? Чунки биргина ўша нашргагина эмас, маҳаллий нашрларнинг деярли ярмидан кўпи савиясиз-лик оқибатида ўз ўқувчиларидан жудо бўлди. Бундай нашрларда ишлайётган муҳаррир ва муҳбир-лар одатда ҳар доим обуна маса-ласидан нолийди. Аслида эса айб ўзларида эканини тан олмайди. Бу каби нашрларни қўлга олсан-гиз, фақатгина кўпроқ обуна бўл-ганларнинг мақолаларига ўрин берилганига гувоҳ бўласиз. Ай-рим туман газеталари мактаб де-ворий газеталаридан ҳам савия-сиз. Афсуски, бу аччиқ ҳақиқат... Асл ҳақиқат шуки, китоб, газе-та-журналлар инсоннинг энг яқин

ҳамроҳи. Улар билан танишишнинг гаши ўзгача. Улар йиллар оша беминнат тарғиботчи вакифа-сини бажараверади. Илм, билим шуълаларини сочаверади. Улар-сини маънавий-маърифат йўқ. Шу сабабли ўлтишда матбуот нашр-лари, уларнинг ижодий ходим-лари, ҳатто чет муҳбирларига дав-лат дотацияси берилган. Мақола-ларга мўмай қалам ҳақи тўланган. Қолаверса, газеталар обуначила-рига ўз вақтида етказиб берил-ган. Ҳозир-чи? Сифат ва етказиш борасида муаммоларнинг бош-адогани топиш мушкул.

Демак, матбуотда ҳам нарх-наво масаласи бўйича меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш фурсати келди. Танганинг иккинчи то-мони бўлганидек, нашрлар-нинг ижодий жамоалари ҳам «Олма пиш-оғзимга туш» деб ўтирмасдан «Даракчи», «Ки-тоб дунёси», «Жаҳон адабиёти», «Ishonch» ва бошқа номадга илғор нашрлардан ибрат олиб, газетхонлар ишончини оқлаш ҳаракатида бўлишса, айна мудо-дао бўларди.

Давлатимиз раҳбарининг «Оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини» муносабати билан иттиҳотида ёрилган Янги Ўз-бекистон тараққиётида биринчи навбатда журналистлар, барча оммавий ахборот воситалар хо-димларининг мардлик ва жа-сорати зарурлиги гоёси жуда долзарбдир. Зеро, барча ижод аҳли учун бугун кенг йўл очил-ган. Одамлар розилигини таъ-минлашнинг бирдан-бир омил-и оммавий ахборот воситалари-дир. Энди нашрлар юксак ми-нбаридан ҳаётий ҳақиқатни асли ҳолича кўрсатиш, муаммо-ларни дадил, қўрқмасдан ўртага ташлаш, ечимини топиш орқали халқимиз розилиги ва миннат-дорлик билан яшаш бахтига эри-шиш ҳар бир қалам соҳибининг шарафи ишга айланмоғи ло-зим, деб ҳисоблайман.

Қодиржон АБДУКАРИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси



Пандемия тўфайли юртимизда жорий этилган карантин юмшатирилган. Лекин бу карантин қоидалари бекор қилинди, дегани эмас. Тождор вирус одамлар ҳаётига таҳдид солар экан, бундан кейин ҳам карантин қоидаларига қатъий риоя этишимиз шарт.

Кўринмас ёв номини олган коронавирус бутун дунёни забт этди. Жаҳонда бу касалликка 55 миллион нафарга яқин одам чалинди. Вафот этганлар сони 1 миллион 300 мингдан ошди. Юртимизда коронавирусни юқтирганлар 70 мингдан зиёд, афсуски, вафот этганлар сони 600 га яқинлашиб қолди. Қанчадан-қанча таниқли, элга машҳур инсонлар шу касаллик тўфайли ҳаётдан кўз юмди. Йўқотишлар кўп бўлди.

Ҳозирги кунда карантин қоидаларини билмайдиган одам қолмади ҳисоб – қўлни тез-тез совунлаб ювиш (тозалликка риоя этиш), кўчага тиббий ниқобсиз чиқмаслик, оралик масофани сақлаш, гавжум жойлардан йи-

Фикр қилмаган шукр ҳам қилмайди

роқроқ бўлиш... Аммо бу қоидаларга ҳамон нописанд қараётганлар ҳам анчагина. Ҳолбуки, булар пандемия шартларида тиббий маданиятнинг ҳамма билиши ва амал қилиши шарт бўлган энг оддий қоидалари ҳисобланади.

Пандемия даврида энг тўғри йўл тиббий маданият қоидаларига риоя этишдир. Маълумки, Швецияда карантин қоидалари жорий этилмади (маълумот учун: Швеция аҳолиси 10,2 миллион нафардан кўпроқ, Ўзбекистон аҳолисидадан уч марта кам). Ҳозирги кунда бу мамлакатда коронавирусга чалинганлар сони 177 мингдан зиёд, вафот этганлар эса 6 мингдан ошди.

Коронавирус тарқалган Хитойнинг Ухан ҳудудига энг яқин давлатлардан бири – Вьетнам. Мамлакатнинг чегарадош қисмида январь ойидан, 13 февралдан эса бутун мамлакатда карантин жорий қилинди. Карантин қоидаларини назорат қилиш учун аскарлар сафарбар этилди. Натижада коронавирус жилволанди (маълумот учун: Вьетнамнинг аҳолиси 95,5 миллион нафардан зиёд, Ўзбекистон аҳолисидадан деярли уч баравар кўп). Шу йилнинг 26 июль ҳолатига кўра мамлакатда коронавирусга чалинганлар сони 418 нафар, вафот этганлар йўқ эди. Бироқ июль ойи охирида Даянган шаҳри ва унинг атрофидаги дам олиш масканлари очилди. Ташриф буюрган сайёҳлар орасида эса... На-

тижада коронавирусга чалинганлар сони кескин кўпайди. Вьетнам ҳукумати бу ҳудудда қайтадан карантин жорий этди. Карантин қоидаларига нописандлик билан қараш Вьетнамда ўн кун ичида коронавирусга чалинганлар сони икки бараварга оширди. Ҳозирги кунда мамлакатда касалланганлар атиги 1281 нафар, вафот этганлар эса 35 киши.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси 34 миллион нафардан зиёд. Энди коронавирусга оид маълумотларни Швеция ва Вьетнамга тегишли маълумотлар билан таққослаб кўрайлик-а. Карантин қоидаларига риоя этмаслик қандай оғир оқибатларга олиб келиши ва аксинча, қатъий амал қилган ҳолда коронавирусни энгш мумкинлиги ўз-ўзидан аёнлашади.

Юртимизда коронавирус касаллигини юқтирган биринчи киши аниқлангани ҳамон карантин қоидалари жорий этилди. Бу чора-тадбир ўз вақтида қўлланган. Лекин карантин қоидаларини бузганлар ҳам бўлди. Бу эса ўзига «мижоз» излаётган тождор вирусга «қўл келди».

Халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрилган қатор чора-тадбирлар натижасида пандемия катта асоратларсиз ўтмоқда. Айрим соҳаларда ишлар давом эттирилди. Ажратилган моддий ёрдамлар ногиронлар, касаллар, қаровчисини йўқот-

ган кексалар, кўп болали ва эҳтиём-манд оилаларга етказиб берилди. Лекин моддий ёрдамнинг дарагини эшитиб, айрим кимсалар ҳам ғимирлаб қолгани бор гап.

Улар моддий ёрдамни олишга, нима қилишди? Аксарияти ўзининг бир лаҳзалик роҳатини ўйлаб қолди: кимдир дўконга чопди, қайсидир аёл пардоз-андоз ҳаракатига тушди.

Карантин даврида саховатпеша юртдошларимиз қанчадан-қанча озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул тарқатишди. Бунинг учун уларга раҳмат! Шу маблагнинг мингдан бир қисмига «Коронавирус ва ундан сақланиш чоралари» деган илмий-оммабоп рисола чоп эттириб, уларни ҳар бир хонадонга тарқатиш ҳам мумкин эди.

Бундан ташқари, «Тиббий маданият қоидалари» деб номланган илмий-оммабоп рисола чоп этилса, хонадонларга тарқатилса ҳам айни муддао бўларди.

Айтмоқчи бўлган гапимиз шукри, инсониятга коронавирус пандемияси хавф солар экан, энг ишончли чора – тиббий маданият қоидаларига қатъий риоя этиш бўлиб қолаверади.

Асрор МҲМИН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



МЕТАЛЛУРГЛАР МИЛЛИЙ ТЕАТРА

«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти касоба уюшма қўмитаси бир гуруҳ ишчи-ходимларнинг пойтахтимизга саёҳатини уюштирди.

Саёҳат асносида улар Ўзбек Миллий академик драма театрида «Андишали келин-чак» спектаклини ҳам томоша қилди.

Ўзга бир хонадонга келин бўлиб тушган ёш қизнинг тақдирини ҳақиқатда ушбу спектаклда ўғли ўзи айтган қизни олмай, севганига уйланиши учун қайнона келини билан ўчакишиб қолади. У келинини турли айблар билан ҳайдаб, кўз остига олиб қўйган қизни ўғли олиб бермоқчи бўлади. Аммо ёш келин ўз ақл-фаросати билан оиласини сақлаб қолади. Қайнонасининг ҳам меҳру муҳаббатини қозонади.

Мазмунли асар, маҳоратли ижро ишчи-ходимларда катта таассурот қолдирди.

– Ҳаётимда биринчи марта таба театрга тушиб, спектакль томоша қилдим, – дейди қорхона ишчиси Раҳимбой Рустамов. – Бу воқеани асло унутмайман. Саҳнада жонли томоша қилиш телеэкранда кўришдан умуман бошқача экан.

– Ташкилотчиларга катта раҳмат, – дейди ишлаб чиқариш цехи ишчиси Нодира Абдуқодирова. – Спектакль менда жуда катта таассурот қолдирди. Ўзгача кайфият ва шиддат билан ишга қайтди.

Бекзод ҚОДИРОВ

* * *

Хоразм вилояти

САҲНАДА «ЖАҲОНГАШТА АФСОНАЛАР»

Фаолият бошлаганига чорак аср бўлган Хоразм вилояти кўғирчоқ театри репертуарида бүгунги кунда турли мавзу ва жанрдаги 90 тадан зиёд спектакл мавжуд.

Яқинда улар сони яна биттага кўпайди. Жамоанинг ижодий изланишлари натижасида «Жаҳонгашта афсоналар» деб номланган спектакль муваффақиятли саҳналаштирилди.

Янги саҳна асари қадимги Хоразм афсоналари асосида яратилган.

Энг муҳими, спектакл болажонлардан ташқари турли ёшдаги томошабинлар учун ҳам қизиқarli бўлиши шубҳасиз. Чунки унда бугунги кун учун ҳам жуда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган эзгу ғоя мужжасам.

Оттабек ИСМОИЛОВ, журналист

Фототанқид



Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»



Сихаттоҳларда

Санатор-курортлар бошқармаси ташаббуси билан Кўйичриқ туманидаги «Кўхунур» дам олиш масканида маданий тадбир ўтказилди.

«КўХУНУР»ДА ЯНГРАГАН НАВО

Ўзаро мулоқот тарзида кечган семинарда бошқарма бош мутахассиси Зоҳиджон Абдурахмонов пандемия даврида ўз жонини хатарга қўйиб, эрта-ю кеч сидқидилдан хизмат қилаётган ва бу иши билан бошқаларга намуна кўрсатаятган тиббиёт ходимларига миннатдорлик билдирди.

Айни пайтда бу масканда 80 нафардан ортиқ тиббиёт ходими ҳордиқ чикармоқда. Тадбир санъаткорларнинг куй-қўшиқларига уланди. Яқинда тиббиёт ходимларига эсдалик совғалари улашилди.

Эслатиб ўтамиз: Айни пайтда 130 нафар кишига хизмат кўрсатаядиган «Кўхунур» санаторийси авваллари туман шифохонаси бўлган. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташири чоғида мутасаддиларга мазкур бино ўрнида муҳташам санаторий қуриш вазифини топширган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, барча қулайликларга эга санаторий бунёд этилди. Унинг бошқа санатор-курортлардан алоҳида жиҳати шундаки, бу ерда физиотерапия анча ривожланган. Бундан ташқари, азонотерапия ҳам бор. Бу эса дам олувчиларга маъқул келмоқда.

Феруза САМИЕВА

Ҳаёт ажойиботлари

Буқалар нега «исён» кўтарди?

1992 йилда, яъни 10 ёшда эканимда юз берган бир ҳодиса сира ёдимдан чиқмайди. Ҳанузгача ушбу сирнинг тағига етолмайман. Воқеа қуйидагича:

1992 йил бошидан Далақудуқ (Навоий вилояти, Томди тумани, Утемурад хўжалигига қарашли) деб номланадиган қишлоқдан 25 километр беридаги Жанаталап деган янги маконга кўча бошладик. Қишлоғимизда 40 га яқин хўжалик бўлиб, улар асосан чорвачилик билан шуғулланарди. Бизнинг уйимизда ҳам 10-15 бош сугир, 20-30 бош қўй-эчки боқиларди.

1992 йил май ойида, кунлар анча илғич, аҳоли ёппасига кўча бошлади. Уйлар бўшаб, хуволлаб қолди.

Бир куни эрталаб буқаларнинг қаттиқ ўқирган овозларидан уйғониб кетдим. Югуриб деразининг олдига борсам, 20 бошга яқин буқа бир гуруҳ бўлиб, у ёқдан-бу ёққа чопиб, йўлида учраган нарсани сузиб, вайрон қиялпти. Ҳамма жониворларнинг қутилмаган бу қилиғидан ҳайратда. Улар одамларга ҳам ҳамла қила бошлагач, болалар уйлардан чиқарилмай турилди.

Мен ҳайвонларнинг ичида сугирларнинг йиғлашини билар эдим. Уйимизда битта бузоқ ўлиб қолганда, онаси анчагача у қўмилган жойга бориб, суякни сирқиратар даражада кўзидан дарё-дарё ёш оқизиб йиғлаганини кўрганман.

Лекин буқаларнинг йиғлашини биринчи бор кўришим эди. Қўзлари қонга тўлган буқалар ҳаттоки ўз хўжайинларига ҳам бўйсунмай қўйди. Улар негадир тандириларга даф қилишга ўтди. Қишлоғимизда биронта танدير соғ қолмади. Кейин эса қўраларни ва эгалари кўчиб кетган бўш уйларни бузишга киришди...

Катталар буқаларнинг исён кўтаришини бевоасита янги маконга кўчиш билан боғлашди. Айтишларича, улар ўзлари



ўрганган яйлловни, туғилиб ўсган жойини ташлаб кетишни хоҳламаётган эди.

Узоқ оворагарчиликлардан сўнги ҳамма ўзларига тегишли буқаларни бир амаллаб тутиб, машиналарга ортиб, янги маконга кўчириб кетишди. Энг қизиги, янги жойда табиий ўт-ўлан мўл бўлса ҳам жониворларни ушлаб туриш анча қийин кечди. Охир-оқибат эгалари уларни сотиб ёки сўйиб қутулди.

Уша пайтда буқалар «исёни» ҳақида газеталарда қизиқarli мақолалар чоп этилди. Менга тушунарли бу қизиқ бўлган жиҳати – буқалар халқнинг кўчиб кетаётганини қандай билган ва нима учун улар янги жойга кўчиб ўтишни хоҳламаган? Ит, отнинг одамга вафодорлигини биламиз, лекин буқаларнинг бунчаликка боришини сира эшитмаган ҳам эканман. «Ўз уйим – ўлан тўшагим» деганлари шу бўлса керак-да...

Есимхон ҚАНОЛТОВ,
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳрининг марказий ва гавжум кўчалардан бири – «Сайхун» кўчасида, Юрт байроғи майдони қаршида, шунингдек, муҳим идора-бинолар жойлашган ҳудудда уч қаватли иморатлар қурилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси назоратдан ташқарида(ми?)

Шаҳарнинг обод бўлаётгани яхши, албатта. Бироқ, унинг ортида кўнғилга нохушлик соладиган бир жиҳат бор. Дилгирлигимиз сабаби: мунтазам назоратда бўлиши шарт бўлган меҳнат муҳофазасига негадир масуўлар панжа орасидан қарашмоқда. Қурилиш ишлари келтирилган майдон атрофи ҳимоя тў-

сиқлари билан ўралмаган. Хушёрликка ундовчи белгилар ўрнатилмаган. Учинчи қаватда ишлаётган ишчилар махсус кийим-бош ва пойабзал билан таъминланмаган... Ҳимоя каскаси кийишнинг унутулгани эса мутлақо тушунарли эди. Ишловчи бемалол ҳаракат қилиши учун белбоғ, арқон каби

Китоб жавонингизга



Эш авлоднинг оила ва жамиятда муносиб ўринга эга бўлишида ахлоқ-одоб қоидалари муҳим аҳамиятга эга. Бу бағоят ёшидаги йигит-қизлар, ёш оилалар ҳамда ўқувчилар учун ҳаётий тарбия воситаси ҳамдир.

Педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонованинг «Фарзандларимга насиҳатлар» китоби бу борада юртдошларимизга жуда асқотиши мумкин.

– Бу китоб менинг қалб-қўрим, – дейди Ойниса Мусурмонова. – Йиллар давомида орттирган тажрибам асосида йиғилган ҳикматли сўзлар, афоризмлар, ҳадислар, Куръони Каримдан олинган дуру жавоҳирларни шу рисолага тизганман.

Кенг китобхонлар оммаси, ўқувчилар, олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган китобдан фарзанд тарбияси, исрофгарчилик қашшоқлик учун замин бўлиши, қиз бола ҳаёси билан янада гўзаллаштириш, устозга ҳурмат – олий ҳиммат, меҳмонни қандай кутиш керак, бувижонингиз бисотидан каби турли мавзулардаги ҳикматли сўзлар, ҳадислар, насиҳатлар ўрин олган.

Корила БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-5009
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улугбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равашон БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухрор РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Хамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚЎЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлиши), Меҳриддин ШУКУРОВ, (Маъсул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳаббатлар билан ишлар – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
саёти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фаргона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиш шарт.

Муаллифлар фикри таҳрирнинг нуқтани назардан фарқланми мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусаҳҳиҳ:
Д. Орипов

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:00
Топширилди – 21:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – 1117. 27774 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Баҳоис келишилган нарҳда
Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Shaq» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақошида чоп этилди.
Қорхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Таҳрирнинг ҳисобрақами:
2021.0000.0004 3052 7001, АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130